

УЮШМАГАН ЁШЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Собитхонов Деҳқонбой Эркинжон ўғли

ИИБ Академияси 3-ўқув курси, 317 гуруҳ курсанти.

Аннотация: Мақолада уюшмаган ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчаси, уни амалга оширишнинг ўрни ва аҳамияти, қонунчилик нормалари асосида амалга оширилиши белгиланган вазифалар, шунингдек ушбу ушбу фаолиятни такомиллаштириш йўналишлари юзасидан таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: уюшмаган ёшлар, ҳуқуқбузарлик, жиноят, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, таъсир чораси, ижтимоий ҳимоя, руҳий таъсир, жисмоний зўрлик ишлатиш, ҳимояланиш чоралари.

Дунё ҳамжамияти жиноятчиликка қарши курашнинг ўзига хос бўлган самарали сиёсатини татбиқ этиш ҳақида қайғурмоқда. Бу борада шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчлик ҳамда инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан ҳимоялаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий ва самарали тизимини йўлга қўйиш муаммолари тобора глобал ва долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Зеро, криминологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, олдини олиш чораларини яхшилаш билан ҳар ўнта жиноятнинг еттитасини олдини олишга эришиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш эмас, балки уларнинг барвақт олдини олиш, содир этилиш кўрсаткичларини имкон қадар энг паст миқдоргача камайтириш реал мақсад ҳисобланади.

Чунки ҳуқуқбузарликлар - жамият ривожининг ҳар қандай босқичида мавжуд бўлган ижтимоий хавфли, ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса. Шу боис инсоният ривожининг маълум бир босқичида ҳуқуқбузарликлар бутунлай йўқ бўлади, деб айтиш мумкин эмас.

Республикамизда ёшларга берилаётган берилаётган эътибор ва унинг натижалари ҳақида Президентимиз ўзининг Ўзбекистон Республикаси давлат



мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида қуйидагиларни айтиб ўтди, бугунги ёшларимизнинг овози, гоё ва ташаббуслари, куч-ғайрати барча соҳа ва тармоқларга чуқур кириб бормоқда. Улар халқимизнинг неча йиллик орзу-армонларини реал ҳақиқатга айлантирмоқда. Ёшларимизнинг замонавий билим ва касб-хунарларни, она тили билан бирга чет тилларини пухта ўрганишлари учун имкониятлар тобора кенгайиб бормоқда. Бугун даврамизда саноат, сервис, қишлоқ хўжалиги, ИТ, илм-фан, маданият ва спортда катта ютуқларга эришаётган ўғил-қизларимизни кўриб турганимдан хурсандман.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан бирига айланган. Зеро, ушбу соҳани самарали бошқариш уни тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни мунтазам таҳлил ҳамда мониторинг қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётга қай даражада мослиги ва амал қилишини кузатиб боришни талаб этади.

Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш учун бу борадаги фаолият учун масъул ваколатли субъектларда мавжуд бўлган куч ва воситаларни уюштириш, улар фаолиятини тўғри ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ҳамда бошқариш талаб этилади. Илмий тадқиқотларда фаолиятни ахборот билан таъминлаш, режалаштириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш ва ижросини таъминлаш, таҳлил қилиш, ҳисоб иши, назорат, баҳолаш, методик таъминот каби элементлар бошқарув элементлари сифатида изоҳланади. Аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш – бугунги кунда энг муҳим вазифа эканлигини инобатга олганда, бу борадаги фаолият натижаларини мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш ҳамда натижаларини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, баҳолаш – ички ишлар органлари фаолиятини бошқаришнинг ўзига хос қисми бўлиб, маъмурий ҳудудда хизмат фаолиятининг сифати ва самарадорлигини мунтазам таъминлаш, ходимларнинг касбий маҳоратини юксалтириб бориш каби омиллар соҳада баҳолашга доир ишларни олиб боришни тақозо этади.

Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатадики, ички ишлар органларининг уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини баҳолашнинг таъсирчан механизмларини яратишда профилактика инспекторларининг фуқаролар йиғинларида ҳисоботини эшитиш тизимини



такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади ва ушбу йўналишдаги фаолият самарадорлигини ошириш учун мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати мавжуд. Ички ишлар органлари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарларининг ижтимоий-ҳуқуқий мақомидан келиб чиққан ҳолда улар фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда мазкур мезонлар асосида улар фаолиятининг баҳоланишини йўлга қўйиш талаб этилади, профилактика инспекторларининг уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини баҳолашнинг таъсирчан механизмларини яратишда маҳалла фуқаролар йиғинларининг роли ва масъулиятини ошириш, бу борадаги аниқ бошқарув қарорларининг қабул қилинишини таъминлаш чораларини кўриш лозим.

Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бугунги ҳолати ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ушбу йўналишини ҳаётга татбиқ этиш механизмларини жиддий ўрганишни талаб этади. Илмий-назарий адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, қатор мутахассислар томонидан уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган қуйидаги таклиф ва тавсиялар илгари сурилган:

- вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш ва назорат қилиш учун уларга устоз-мураббий ёки жамоатчи тарбиячи бириктириш;

- вояга етмаганларнинг жиноятга тайёргарлик кўрганлиги учун жавобгарликни либераллаштириш, хусусан, биринчи марта жиноятга тайёргарлик кўрган вояга етмаган шахсга нисбатан жазо қўлламасдан, тарбиявий таъсир чораларини қўллаш имкониятларини кенгайтириш;

- барча (шу жумладан, ёшлар ҳам) эркин фойдаланиши мумкин бўлган интернет сайтларида салбий мазмундаги ахборотларни тарқатганлик учун блогерларнинг жавобгарлигини белгилаш;

- ғайриқонуний хулқ-атвори оқлайдиган ва ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келадиган, жамиятда бузғунчилик ғояларини тарғиб этувчи ахборотнинг болалар ўртасида тарқатилишини тақиқлаш ва бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик белгилаш;

- ёшларнинг ахборот-коммуникация маконига кенг жалб қилинганлиги, турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг ўсмир-ёшлар томонидан содир



этилатганлигини инобатга олиб, ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ёшини 14 ёш этиб белгилаш;

– аҳолининг турмуш даражасини ошириш, оила, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш; аҳолининг кам таъминланган тоифалари (талабалар, ёлғиз оналар, кўп болали ва ёш оилалар)га ижтимоий тўловларни

амалга ошириш;

– аҳолининг жинсий ҳаётга оид саводхонлиги даражасини ошириш; вояга етмаганларни оилада, мактаб, коллежларда бўлғуси оилавий ҳаётга, эр, хотин, ота, она ижтимоий ролларини бажаришга босқичма-босқич тайёрлаш;

– ҳудудларнинг «геокримнологик харитаси»ни ишлаб чиқиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ишларини ташкил этишда улардан фойдаланиш;

– жамоат жойларида «интеллектуал камералар»дан фойдаланилишини йўлга қўйиш;

– содир этилган жиноятлар, латент жиноятлар, қидирувдаги шахслар ҳақида аноним тарзда маълумотлар ва аудио, видео, фотолавҳаларни юбориш имконини берадиган «ишончли аноним хабарлар» махсус сайти фаолиятини йўлга қўйиш;

– соҳа мутахассислари билан ижтимоий сўровлар ўтказиш, ишлаб чиқилган лойиҳалар бўйича уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, тайёрланган ишланмаларни тезкор реализация қилиш учун «Жиноятлар барвақт профилактикаси» махсус веб-саҳифаси ва электрон журналинини ташкил қилиш;

– шов-шувга сабаб бўлган жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича киритилган тақдимномаларни Интернет тармоғида видео алоқа орқали онлайн режимида муҳокама қилиш тартибини жорий этиш;

– жойларда ички ишлар органлари штат бирлигига «жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш масалалари бўйича мутахассис» лавозимини киритиш.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар таҳлили асосида хулосага келиш мумкинки, уларнинг аксарияти уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширишга хизмат қилади ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этиш ушбу соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этади.



Тадқиқот давомида уюшмаган ёшлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар ўрганилганида «оммавий маданият», турли ахборот хуружларининг таъсири, глобаллашув жараёнлари ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётганлиги маълум бўлди. Бинобарин, дунё ахборот маконида юзага келаётган янги ахборот хавфлари ва таҳдидлари, доимий равишда кузатилаётган шахс онгига салбий таъсир кўрсатаётган «ахборот урушлари» ахборотнинг ўзини глобаллашув жараёнини таъминловчи ва унга жиддий таъсир кўрсатувчи энг «қиммат» товарга айланганлигини қатъий равишда эътироф этиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги чора-тадбирлар орқали уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлиги оширилишини таъминлаш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- уюшмаган ёшларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, шу жумладан улар билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш;

- ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш, шунингдек уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

- идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, яъни видеокузатув, электрон ҳисобга олиш

ва ўзаро ахборот алмашиш, идоралараро маълумотлар базалари тизимларини

уюшмаган ёшлар ўртасида профилактик ишларга кенг жорий этиш;

- уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан

тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- амалга оширилаётган профилактика чора-тадбирларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини, қонунийлик аҳволи ҳамда жиноятчилик даражаси ҳақидаги маълумотларни уюшмаган ёшларга етказиш масалаларида оммавий



ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик қилиш, Интернет ахборот тармоғи

имкониятларидан кенг фойдаланиш, уюшмаган ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этиш жараёни тўғрисида кенг жамоатчиликни тезкор хабардор қилиш;

Хулоса қилиб айтганда, «ҳозирги давр шароитида ҳуқуқбузарлик профилактикаси ҳуқуқий сиёсатнинг бош йўналиши ҳисобланади. У жиноятчилик илдизини қуритишга қаратилган бўлиб, криминоген омилларга улар ривожланишининг дастлабки босқичларида огоҳлантирувчи таъсир кўрсатишнинг асосий тури ҳисобланади. Профилактиканинг пировард натижаси жиноятчиликка қарши курашиш вазифаларини жамият учун, айниқса, кам харажатлар билан ҳал этиш имконини беради. Шу сабабли бизнингча, уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш юзасидан илгари сурилган таклиф ва тавсиялар: биринчидан, қонун ва қонуности ҳужжатларини замон талабларига мос равишда такомиллаштиришга;

иккинчидан, ушбу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини самарали ташкил этишга;

учинчидан, профилактик чора-тадбирларнинг аниқ манзилли йўналтириш ва таъсирчанлигини оширишга;

тўртинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятини мувофиқлаштиришга муҳим ҳисса қўшади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/8440>.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 14 ноябрдаги “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-996-сон қонуни.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-209-сон Фармони.



4. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.

5. Таштемиров А., Курчибоев Ж. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг профилактикасида таълим ва тарбиянинг ўрни ва аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 12. – С. 130-135.

6. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.

7. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

8. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий профилактика объекти сифатида алкоголизм таъсиридаги шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //So ‘ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 552-558.

9. Tashtemirov A., Po‘latov A. Ayollar jinoyatchiligining oldini olish chora-tadbirlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 75-78.

10. Таштемиров А., Нурматов Н. Айрим хорижий давлатларнинг тезкор қидирув фаолиятида соҳавий ҳамкорликнинг таҳлили //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 190-197.

11. Таштемиров А. А. и др. Зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчаси ва ўзига хослиги //Innovative achievements in science 2024. – 2025. – Т. 4. – №. 37. – С. 82-90.

12. Tashtemirov A., Baxtiyorov S. Profilaktika inspektorining jinoyat ishlar bo ‘yicha sudlar bilan hamkorligining o ‘ziga xos xususiyatlari //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 38-42.

13. Таштемиров А. А. и др. Психологическая поддержка деятельности инспекторов профилактики в работе с лицами, осужденные к наказанию исправительные работы //International scientific research conference. – 2024. – Т. 3. – №. 28. – С. 97-102.

14. Tashtemirov A., Usmonova Y. Profilaktika inspektorining yashash manzillaridan uzoq muddatga ketgan shaxslar bo‘yicha ishlash faoliyatini huquqiy ta‘minlash //Наука и технология в современном мире. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 59-61.





15. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10. – С. 42-48.

16. Таштемиров А. А. Йулларда харакатланишни тартибга солишнинг ҳукукий жихатлари ва бу борада технологиянинг аҳамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. III-III5.

